

CONVENTION ON MIGRATORY SPECIES
COP15
BRAZIL
PANTANAL
CAMPO GRANDE 2026



**ЭКОҚҶМИТА —
ХАЛҚАРО
ЭЪТИРОФДА**



ЖАММИЯТ

№ 8 (978)
2026 йил
28 март,
Шанба

Ижтимоий-сиёсий, экологик газета

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган

ХАЛҚОНА ҚАДРИЯТЛАР — ТАРБИЯ ЎЗАГИ

... У — халқ оғзаки ижоди. Биргина “Ёлғоннинг оёғи калта” деган ибора бола онгига бутун бир ахлоқ дарсидан кўра кучлироқ таъсир қилади. Унга ёлғоннинг ёмонлиги ҳақида ярим соат ваъз ўқиш шарт эмас — шу битта жумла кифоя.



**ЎРМОН — НАМЛИК,
НАМЛИК — ҲОСИЛ,
ҲОСИЛ — ҲАЁТДИР**

МИНТАҚАВИЙ ЭКОЛОГИК САММИТ



Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси 2026-йил 22–24-апрель кунлари Остона (Қозоғистон) шаҳрида бўлиб ўтадиган Минтақавий экологик саммитда иштирок этишга тайёргарлик кўрмоқда.





ЭКОҚЎМИТА — ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФДА

Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси делегацияси Бразилиянинг Кампо-Гранде шаҳрида бўлиб ўтган Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юривчи турларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция томонларининг 15-конференцияси (CMS COP15) очилиш маросимида иштирок этди. Форумда давлатлар, халқаро ташкилотлар ва экспертлар ҳамжамияти вакиллари кўчиб юривчи турларни муҳофаза қилишнинг асосий масалаларини муҳокама қилиш ва бу соҳада глобал ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун бирлашдилар.

Очилиш маросимида Конвенциянинг амалдаги раиси сифатида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси ўз раислигини расман Бразилия Федератив Республикасига топширди. Ялпи мажлис да-

вомида Ўзбекистон делегацияси 2024-йилдан 2026-йилгача бўлган раислиги натижалари бўйича ҳисобот тақдим этди. Хужжатда мамлакатнинг кўчиб юривчи турларни муҳофаза қилишга,

халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ва ёввойи ҳайвонларни ноқонуний овлашга қарши курашишга қаратилган ташаббусларни илгари суришга қўшган ҳиссаси акс эттирилган.

Эслатиб ўтамиз, Конвенция Томонларининг 14-конференцияси (CMS COP14) 2024-йил феврал ойида Самарқандда бўлиб ўтган ва ундан сўнг Ўзбекистон раислигини ўз зиммасига олган эди. Ушбу форумга мезбонлик қилиш мамлакатнинг атроф-муҳит соҳасидаги халқаро мавқеини мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлди.

Халқаро ҳамжамият томонидан берилган алоҳида эътироф

сифатида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати «Migratory Species Champion Plus» («Кўчиб юривчи турларни асраш бўйича чемпион плус») мақоми берилди. Тантанали маросим «Migratory Species Champion Programme» дастури доирасида ўтказилди. Ушбу мақом Ўзбекистонга 2026–2028-йилларда кўчиб юривчи турларни ноқонуний олиб кетишга қарши ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамлаш ва глобал ҳаракатларни қўллаб-қувватлагани учун топширилди.

Бу натижа мамлакатнинг барқарор экологик сиёсатини ва биохилма-хилликни асраш ҳамда кўчиб юривчи турларни химоя қилиш бўйича халқаро саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга қўшган ҳиссасини акс эттиради.



«ДЕНДРОЛОГИЯ БОҒИ»ГА КЎЧАТЛАР ЭКИЛДИ

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида пойтахтни Тошкент вилояти билан боғловчи Чимкент йўли кўчаси четида барпо этилаётган «Дендрология боғи»га манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Тадбирда Экология қўмитаси ҳузуридаги Ўрмон агентлиги директори Эркин Муҳиддинов, Агентлик масъуллари, Давлат экологик экспертиза маркази ҳамда «Яшил-лойиҳа» лойиҳалаш институти мутахассислари иштирок этди.

Дастлаб ҳудудда кўчат экиш ишларини сифатли ташкил этиш бўйича амалий-кўргазмали семинар ўтказилди. 4 ярим гектар майдонни эгаллаган боғ ҳудудига қрим қарағайи, лола, оқ қайин, заранг, мажнунтол, каталпа, шарқ туяси каби 2 минг тупдан зиёд манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Ҳозирда ҳудудда зарур агротехник тадбирлар ҳам олиб борилмоқда. Келгусида мазкур боғ маҳаллий аҳоли кўнгилдагидек ҳордиқ чиқариб сайр қиладиган сўлим ва баҳаво масканга айланади.



МИНТАҚАВИЙ ЭКОЛОГИК САММИТ

Ўзбекистон Республикаси
Экология ва иқлим ўзгариши
миллий қўмитаси 2026 йил
22–24-апрель кунлари Остона
(Қозоғистон) шаҳрида бўлиб
ўтадиган Минтақавий экологик
саммитда иштирок этишга
тайёргарлик кўрмоқда.



RES 2026°

REGIONAL ECOLOGICAL SUMMIT

Яқинлашиб келаётган тадбир минтақа учун долзарб иқлим ва атроф-муҳит масалалари бўйича мувофиқлаштирилган мулоқотни ривожлантириш учун асосий платформа бўлади. Саммитнинг тематик дастури иқлим ўзгариши ва иқлим ўзгаришига мослашишни қўллаб-қувватлашдан тортиб, табиий хавфларга нисбатан иқтисодий барқарорликни таъминлаш, озик-овқат хавфсизлиги ва минтақа экотизимларини сақлашгача бўлган кенг қўламли мавзуларни қамраб олади.

Асосий эътибор табиий ресурслардан барқарор фойдаланиш, атмосфера ҳавоси ифлосланишига қарши кураш, чиқиндиларни самарали бошқариш ҳамда адолатли ва инклюзив “яшил” ўтишни ривожлантириш масалаларига қаратилади. Кун тартибида экологик мақсадларга эришиш механизмлари ҳамда барқарор келажак асоси сифатида экологик ва рақамли компетенцияларни ривожлантириш ҳам мавжуд.

Саммитда Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари, давлат органлари, халқаро ташкилот-

лар, ривожланиш институтлари, илмий доиралар, бизнес ва фуқаролик жамияти вакиллари иштирок этиши кутилмоқда. Делегатларнинг умумий сони тахминан 1500 нафарни ташкил этади.

«RES 2026 EXPO» халқаро кўргазмаси тадбирнинг муҳим қисми ҳисобланади. Бу барқарор ривожланиш соҳасида амалий технологик ва инвестицион ечимларни намоиш этишга мўлжалланган махсус платформа ҳисобланади. Кўргазма ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар, глобал компаниялар, молия институтлари ва инвесторларни бирлаштириб, бевосита мулоқот, ҳамкорликни ривожлантириш ва қўшма “яшил” ташаббусларни йўлга қўйиш имконини яратади. Кўргазмада 30 дан ортиқ мамлакат, 300 дан зиёд компания ва 20 000 дан ортиқ профессионал ташриф буюрувчилар иштирок этиши кутилмоқда.

Экспозиция куйидаги асосий йўналишларни қамраб олади: янги энергетика, сув ресурслари, рақамли ечимлар ва “ақли шаҳарлар”, чиқиндиларни бошқариш, экологик технологиялар, ESG ва яшил молиялаштириш, барқарор кишлоқ хўжалиги ҳамда “яшил” қурилиш.

Кўргазманинг уч кунлик ишбилармонлик дастури юқори даражадаги ялпи сессиялар, тематик панеллар, воркшоплар ва махсус тадбирларни ўз ичига олади. Асосий мавзулар қатори-

да қайта тикланувчи энергетика ривожини, сув технологиялари, ресурсларни бошқаришда рақамли трансформация, ESG ҳисоботлари ва углерод ҳисоби, шунингдек, қурилиш ва саноатда экологик стандартларни жорий этиш масалалари бор.

Шунингдек, экологик стартаплар тақдироти, инновацион ечимлар намоиши, эко-технология кунлари ва профессионал муҳокамалар каби амалий ҳамкорлик форматларига алоҳида эътибор қаратилади. Маданий ва ижтимоий дастур доирасида арт-кўргазмалар, кўкаламзорлаштириш акциялари, экологик фильмлар намоиши ҳамда «Green Invest Forum» ва стартаплар танлови каби махсус форумлар режалаштирилган.

«RES 2026 EXPO»нинг асосий мақсади – минтақа давлатларини асосий экологик муаммолар бўйича мувофиқлаштирилган ечимлар ишлаб чиқиш учун бирлаштиришдир. Жумладан, Орол денгизини сақлаб қолиш, Каспий ҳавзаси муаммолари, яшил молиялаштиришни ривожлантириш ва паст углеродли технологияларни жорий этиш масалалари муҳокама қилинади.

Тадбир якунида 2026–2030-йилларга мўлжалланган қўшма ташаббуслар, декларациялар ва ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш режалаштирилган.





Ўрмонлар Ер юзасидаги энг муҳим табиий экотизимлардан бири бўлиб, улар сайёрамизнинг экологик барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Ҳозирги илмий маълумотларга кўра, дунё ўрмонлари тахминан 4,0-4,1 миллиард гектар майдонни эгаллайди ва бу қуруқлик ҳудудининг қарийб 31 фоизи демакдир. Ушбу кўрсаткичлар ўрмонларнинг глобал миқёсдаги аҳамиятини яққол намоён этади.

ЎРМОН – НАМЛИК, НАМЛИК – ҲОСИЛ, ҲОСИЛ – ҲАЁТДИР

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, дастлабки ўрмонлар Ерда тахминан 380 миллион йил аввал пайдо бўлган. Ҳозирги кунда ўрмонлар турли табиий-иқлим минтақаларида, жумладан, тропик, мўътадил ва бореал ҳудудларда кенг тарқалган. Улар биологик хилма-хилликни сақлаш, тупроқни эрозиядан ҳимоя қилиш ва сув айланиш жараёнларини тартибга солишда муҳим роль ўйнайди.

Ўрмонларнинг энг муҳим экологик функцияларидан бири, атмосфера таркибини тартибга солишдир. Ўсимликлар фотосинтез жараёни орқали карбонат ангидридни ютиб, кислород ишлаб чиқаради. Илмий манбаларга кўра, бир гектар ўрмон йилига ўртача 2-10 тонна карбонат ангидридни ўзлаштириш қобилиятига эга. Шу билан бирга, дунё ўрмонлари умумий ҳисобда ҳар йили тахминан 2,5-3 миллиард тонна карбонат ангидридни ютиб, глобал иқлим ўзгаришини юмшатишга хизмат қилади.

Дарахтлар кислород билан бирга ҳавога учувчан моддалар-фитонцидларни ҳам ажратади. Улар атрофдаги касаллик кўзгатувчи микроб ва бактерияларни йўқ қилади. Шумурт (лат. *Prunuspradus*) гулларининг бироз ачимтир хиди, янги очилаётган терак (лат. *Populus*)нинг ёғочсимон ифори, гуллаган жўка (лат. *Tilia*)нинг хушбўйлиги – буларнинг барчаси фитонцидлардир. Шунинг учун игнабаргли ўрмонларда нафас олиш анча енгил кечади, чунки карағай (лат. *Pinus*), пихта (лат. *Abies*) ва арча (лат. *Juniperus*) фитонцидларни энг кўп ажратади.

Ўрмон массивлари ва алоҳида дарахтлар инсон саломатлигини

муҳофаза қилади. Улар зарарли микрорганизмларни йўқ қилиш билан бирга, Ер шари иқлимига ҳам таъсир кўрсатади. Ўрмон шамол тезлигини учдан икки қисмигача камайтиради, ёзнинг жазирама иссиғида ҳаво ҳароратини 4°C га пасайтиради, қишда эса 3,5°C га оширади. Халқ мақолида айтилганидек: “Ўрмон – намлик, намлик – ҳосил, ҳосил – ҳаётдир”.

Ўрмонлар тупроқдаги намликни тартибга солишда ката аҳамиятга эга. Барглар орқали буғланишни кучайтириб, дарахтлар ортиқча намликни сўради, шу билан бирга сувнинг ер юзасидан оқиб кетишини секинлаштиради ва уни тупроқда тўплайди.

Дарёлар бўйлаб жойлашган ўрмонлар уларнинг сувлигини сақлаб туради. Бу эса кемачилик, қишлоқ хўжалиги учун намлик, баликларнинг уруғ сочадиган жойлари ва кўплаб қуш турларининг ин қўйиш ҳудудларини муҳофаза қилишда муҳим аҳамиятга эга. Бундай ҳудудларда ўрмонларни кесиш табиат учун жиддий муаммоларга олиб келади. Ортиқча кесиш дарё манбаларининг силжишига, ирмоқлар чуқурлигининг камайишига, сув оқимининг тезлашишига ва дарёларнинг саёзлашишига сабаб бўлади.

Шаҳар аҳолисига шовқин ката салбий таъсир кўрсатади. Тиббиёт шовқинни инсон саломатлигининг жиддий душманларидан бири деб ҳисоблайди. Замонавий таранг шаброитда ишлайдиган инсонлар тинч дам олиш жойига муҳтож бўлади ва кўпчилиги бундай жойни ўрмондан топади. Ўрмон товушлари зериктирмайди, улар доимо янги, соф ва бетакрор бўлиб, инсонни

мафтун этади.

Ўрмон, шунингдек, қоғоз ва картон ишлаб чиқариш учун муҳим хом ашё ҳисобланади. Шунинг учун дам олиш кунлари Тошкент аҳолисининг макулатурани қабул пунктларига топшираётганини кўриш қувонарлидир. Макулатура йиғишни кенг тарғиб қилиш лозим. Афсуски, мактабларда бу муҳим тадбирга етарлича эътибор берилмайди. Агар болалар ҳам макулатура топширишда фаол қатнашсалар, улар асосан қоғоз ишлаб чиқаришда ишлатиладиган кўплаб игнабаргли ўрмонларни сақлаб қолишга ҳисса қўшган бўлар эдилар.

Мактаб ислохотларида синфдан ташқари машғулотларга, айниқса тўгарак ишларига ката эътибор қаратилмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш назарияси кўп ҳолларда маҳаллий ўлкашунослик материаллари асосида ўзлаштирилади. Масалан, табиий тизимлар ва уларнинг инсон таъсирида бузилиши ҳақидаги билимлар шулар жумласидандир. Шу боис географик ўлкашунослик ўқувчиларни экологик маърифат ва тарбиялашда муҳим ўрин тутди.

Мамлакатимиз ўрмонларга бой, ammo улар чекланмаган эмас. Шунинг учун улардан эртанги кунни ўйлаб фойдаланиш зарур. Агар ўрмон бўлмаса, унинг бу улкан табиий “ўпка” вазифасини бошқа ҳеч бир табиий ҳодиса бажара олмайди.

Ўзбекистонда ўрмон меҳнаткашдир. У дашт ва чўлларда барпо этилган ҳимоя ўрмонзорлари, далалар ва яйловларни ҳимоя қилувчи полосалардир. Республикамизда ҳимоя ўрмонзорларини барпо этишга ката аҳамият берила-

ди. Дала ҳимоя ўрмон полосалари майдони 30 минг гектардан ошган ва ҳар йили ортиб бормоқда. Бу полосалар микроклиматни яхшилаб, пахта экинини “гармсел” шамолларидан ҳимоя қилади ҳамда пахта ҳосилини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, Ўзбекистонда ўрмонларнинг сувни муҳофаза қилиш вазифаси биринчи ўринга чиқади. Дарахтлар миллиардлаб илдизлари билан тупроқни маҳкам ушлаб, унинг ювилиб кетишининг олдини олади.

Яна ва яна шундай дейишни истаймиз: “Ўрмонни асранг! У сизнинг дўстингиз ва ишончли ҳимоячингиздир!”

Гўзал АТАДЖАНОВА,
Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти “Ихота ўрмонлари ва ўрмон мелиорацияси” лабораторияси кичик илмий ходими





ҲАР БИР ФАРЗАНД — ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА



**Ўзбекистон Республикаси
Президенти 2025 йил
24 декабрда имзолаган
“2026–2030 йилларга
мўлжалланган Болаларни
зўравонликнинг барча
шаклларида ҳимоя қилиш
стратегиясини тасдиқлаш
тўғрисида”ги Фармон
билан 2026–2030 йилларда
болаларни зўравонликнинг
барча шаклларида
ҳимоя қилиш стратегияси
тасдиқланди.**

Ушбу стратегиянинг бош мақсади – “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун ижросини самарали йўлга қўйиш, болалар учун хавфсиз муҳитни таъминловчи барқарор тизим яратишдир. Фармон бу орқали давлатнинг халқ ва халқаро ҳамжамият олдигаги мажбуриятларини тасдиқлашга хизмат қилади. Яъни, зўравонликка мутлақо муросасиз муносабатда эканимизни ва уни бартараф этишга қатъий аҳд қилганимизни намоён этилади.

Стратегиянинг долзарблиги, афсуски, статистик маълумотларда ҳам акс этмоқда. 2024 йилда Ўзбекистонда 1 028 нафар бола жисмоний зўравонликка, 412 нафар бола эса жинсий зўравонликка дучор бўлган. Шунингдек, 929 нафар бола руҳий зўравонлик (психологик босим) қурбонига айланган. Бу рақамлар жамиятимиздаги айрим оғриқли муаммоларни кўрсатади ва болаларни ҳимоя қилиш масаласи қанчалик долзарб эканини тасдиқлайди. Шу боис янги стра-

тегия қабул қилиниши орқали Ўзбекистон ушбу йўналишда халқаро ташаббусларга ҳам қўшилди. Хусусан, мамлакатимиз Богота чақирғига қўшилиб, болаларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш бўйича Глобал альянс (Pathfinding Alliance) аъзоси бўлди. Бу қадамлар болаларга нисбатан ҳар қандай зулм ва зўравонликка тоқатсиз жамият барпо этиш йўлида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги стратегия доирасида суд-ҳуқуқ тизимига алоҳида маъсулият юкланди. Фармоннинг мазмун-моҳиятига кўра, жиноят, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия ва маъмурий қонунчиликка комплекс ўзгартиришлар киритилиши назарда тутилган бўлиб, бунинг асосий мақсади – терговдан тортиб суд ҳукми чиқарилгунга қадар барча босқичларда боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда болага дўстона муносабатни жорий этишдир. Яъни, бундан буён суд жараёнлари ва тергов ҳаракатлари болалар учун имкони борича стресссиз, адолатли ва уларнинг

ёшига мос тарзда ташкил этилиши стратегик вазифа сифатида белгиланди.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида судлар олдида пайдо бўлаётган янги функциялар кўпроқ процессуал жараёнлардаги ўзгаришларда намоён бўлади. Хусусан, ота-оналар, педагоглар ёки бошқа масъул шахслар иштирокидаги болаларга оид ишлар бўйича суд мажлисларида энди қўшимча иштирокчилар таъминланмоқда. Фармоннинг 4-бандига мувофиқ, агар зўравонлик ҳолати боланинг ота-онаси ёки яқин қариндошлари томонидан содир этилган бўлса, бундай ишларни судгача тергов қилиш ва суд жараёнида васийлик ва ҳомийлик органи вакили мажбурий тартибда иштирок этиши шарт. Судья бундай ишларни кўраётганда ушбу вакилнинг қатнашуви орқали боланинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва унинг овози эшитилишини таъминлайди. Бу янгилик судларга қўшимча маъсулият юклайди. Энди улар нафақат ҳуқуқий баҳо берувчи, балки болага ғамхўрлик нуктаи назаридан ҳам қарор қилувчи механизмга айланмоқда.

Бундан ташқари, стратегия болаларга оид суд жараёнларига ижтимоий ходимларни жалб этишни назарда тутди. Мақсад – бола манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш. Масалан, жиноят ишида жабрланувчи бола бўлса, жара-

ёнларда психолог ёки ижтимоий соҳа мутахассиси қатнашиб, судга боланинг ҳолатини ҳисобга олишда кўмак бериши мумкин. Янги стратегия ана шундай илғор тажрибаларни Ўзбекистонда ҳам қўллашга интилоқда. Фармонга кўра, тегишли идоралар миллий ва хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда судьялар, терговчилар, прокурорлар ҳамда адвокатлар учун болалар билан ишлаш бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этади. Бу ўқувлар натижасида суд тизими ходимлари болалар психологияси, мулоқот маданияти ва нозик процессуал услублар бўйича малака оширади, натижада суд жараёнларида болалар билан муомала қилишда янги вазифаларни пухта адо эта олади.

Яна бир муҳим жиҳат – судлар энди болаларнинг фикрини эшитишга кўпроқ эътибор бериши шарт бўлади. Мисол учун, васийлик ва ҳомийликка оид фуқаролик ишларида 10 ёшдан ошган болаларнинг ўз фикрини билдириш ҳуқуқи қонунчиликда белгиланган. Эндиликда васий ёхуд ҳомий болани бошқа жойга қўчиришга қарор қилса, 10 ёшга тўлган боланинг розилиги ҳам олинмиши шартлиги қонун лойиҳаларида назарда тутилмоқда. Судлар бундай ҳолларда болаларнинг фикрини инобатга олиб, қарор қабул қилишлари лозим бўлади. Шу тариқа, суд тизими болаларга оид ишларни кўриб чиқишда нафақат ҳуқуқий мезонлар, балки инсонпарварлик ва болапарварлик тамойилларига таянган ҳолда ишлаши кутилмоқда.

Умуман олганда, 2026–2030 йилларда болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланади. Суд-ҳуқуқ соҳаси бу сиёсатда марказий ўрин тутди – янги ҳуқуқий нормалар ва амалиётлар орқали болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари нафақат қоғозда, балки реал ҳаётда ҳам ҳимояланишига эришилади. Янги қабул қилинган стратегия ва унинг ижросига қаратилган ислохотлар болаларни ҳар томонлама зўравонликдан ҳимоя қилиш йўлида улкан қадамдир. Суд ҳокимияти ушбу жараёнда ҳал қилувчи роль ўйнаб, болалар учун адолат қалқони бўлиб хизмат қилади.

**Гулҳаё ЖУМАЕВА,
Фуқаролик ишлари бўйича
Шайхонтоҳур туманлараро суди
судьяси.**

**Бекзод БАХРИНОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Юнусобод туман суди судьяси.**

«ЯШИЛ ҚОПЛАМА»ЛАР БАРПО ЭТИЛМОҚДА

Пойтахтимизнинг Бектемир ва Янгиҳаёт туманларида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасининг жорий йил баҳор мавсумида 34 гектар майдонда «яшил қоплама»лар барпо этилиши режалаштирилган.

Экология кўмитаси ҳузуридаги Ўрмон агентлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан автомагистрал йўллар четида 8-10 қатордан «яшил қоплама»лар барпо қилинган.


Шу кунларда дарахт кўчатлари экиш тадбирлари қизгин давом эттирилмоқда. Бектемир туманининг Гулбоғ ва Забардаст маҳаллалари ҳудудида 8 гектардан зиёд майдонда «яшил қоплама»лар яратилди.

Тошкент шаҳар давлат ўрмон хўжа-

лиги томонидан заранг, шумтол, крим қарағайи, япон сафораси ва павловния каби ҳудуд иқлим шароитига мос дарахт кўчатлари етказиб берилмоқда.

Ҳозирда Гулбоғ маҳалласида кўчатларни сифатли парвариш қилиш мақсадида томчилатиб суғориш тизими ускуналари ўрнатилмоқда.

Маълумот ўрнида, ушбу тадбирлар Тошкент шаҳрининг атмосфера ҳавоси сифатини яхшилаш, яшиллик даражасини янада ошириш мақсадида амалга оширилмоқда.



Жамоатчилик назорати



МАҚТАНЧОҚ ВАҲШИЙЛАР

Кейинги пайтларда ҳайвонларга қилинаётган шафқатсизлик тобора авж олаётгани жамиятимизни жиддий хавотирга солмоқда.

Кўча-кўй ва маҳаллаларда нафақат катталар, ҳатто болалар кўз ўнгида мушук ва итларни азоблаш, кулоқ ва думларини узиб ташлаш, ўзини тириклай ёкиб юборилганлигини кўрган кишининг қаҳри қайнаб, кўллари муштга тугилмай қолмайди. Жаҳл устида билибми-билмай қилинган бундай раҳмсизлик ким ўзарга айланиб бораётганга ўхшайди. Инсонга хос бўлмаган бу безориликни содир этган одам уни уялмай-нетмай ижтимоий тармоқларда кўз-кўз қилиб, мақтанганини айтмайсизми? Имон-инсофи, виждони бор одамда ҳайвонот оламига бўлган разиллик қайдан юкиб қолди?

Бу эрмакми, ўйинми ёки жасоратми? Нима бўлганда ҳам бу инсон ахлоқ-одобига мутлақо зид.

Табиатни, унинг бағридаги ҳайвонот оламини асраш борасида тинимсиз бонг урилаётган, кенг кўламли тарғибот ва ташвиқот юритилаётган бир пайтда гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда ҳимоясиз ҳайвон ва жониворларни қалка қилгандай хўрлаш, тан жароҳати етказиш, жон таслим этгунга қадар ваҳшийларча уриш томошасини ижтимоий тармоқларда намойиш этиш яна қанча давом этади? Нега ижтимоий тармоқлар мутасаддилари бу каби даҳ-

шатли лавҳаларга бефарқ? Балки уларга ҳам шов-шув керакдир? Айтингчи, бир ҳайвоннинг жонини оғритиб, ундан завқ оладиган одам одамми? Бугун мушук, ит ё бошқа бир жониворни майиб-мажруҳ қилган кишининг эртага бундан оғир жиноятга қўл урмаслигига ким кафолат беради? Бунисини ҳам кўриб турибмизку, ахир. Афсуски, айтишга тил бормайдиган ана шундай воқеаларга ҳам кўпчилигимиз жуда-жуда лоқайдмиз. Бунинг устига жамоатчилик ҳам театр томошабинидан фарқ қилмайди.

Хўш, бундай нохуш воқеаларни ижтимоий тармоқларга олиб чиқишдан мақсад нима? Баралла айтганда манфаат, фойда кўриш, пул ишлаш.. Обуначиларни кўпайтириш, “лайк” йиғиш. Масалага жиддийроқ қарасак, бу киссани тўлдириш учун қилинётган пасткашликдан бошқа нарса эмас. Ўз-ўзидан кўришиб турибдики, ҳайвонларни хўрлаганлар арзимаган жарима ёки тўрт-беш суткалик қамоқ билан осонгина четга чиқиб қолмоқдалар. Очигини айтганда, бу жиноят жазосиз қолди дегани. Чунки, бу билан кулоқсизу думсиз қолган ҳайвонлар аслига қайтмайди.

Шуни унутмаслигимиз керакки, раҳмдиллик ҳам, раҳмсизлик ҳам оиладаги муҳитга, энг аввало тарбияга боғлиқ. Ўз уйидаги мушукча ёки кучукчани эзгилаб, уриб-сўкиб улғайган бола катта бўлганда буни бутунлай унутадими? Агар, болалигида ота-онасидан “булар ҳам сендек ожиз, уларга озор берма, гуноҳ бўлади”, деган танбеҳни эшитмаган бўлса, саволга “йўқ” деб жавоб бериш мумкин. Мухтасар қилиб айтганда, яхшиликнинг ҳам, ёмонликнинг ҳам уруғи оилада, оиладаги муҳитда. Демак, ота-онанинг фарзандига берган тарбиясига боғлиқ.

Махлиё САЙДИЯКУБОВА,
ЎЗМУ Журналистика ва
Ўзбек филологияси факультети
талабаси



МУАССИСЛАР:

Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

Таҳрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Акмал САИДОВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Камолиддин ИШАНХОДЖАЕВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-310
Адади: 2505
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.

2024 йил 2 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 0010-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ” дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

АТМОСФЕРА ҲАВОСИ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН МУҲИМ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Атмосфера ҳавоси сифатини яхшилашга қаратилган “Тоза ҳаво” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

“Тоза ҳаво” умуммиллий лойиҳасининг асосий мақсадлари

Фармонга кўра, 2026 – 2030-йилларда атмосфера ҳавоси сифатини яхшилашга қаратилган “Тоза ҳаво” умуммиллий лойиҳасининг куйидаги асосий мақсадлари белгиланди:

- атмосферага чиқариб ташланаётган ифлослантирувчи моддалар миқдорини 10,5 фоизга камайтириш;
- атроф-муҳитга таъсири бўйича I ва II тоифага кирувчи корхоналарда автоматик мониторинг станциялари ва чанг-газ тозалаш ускуналарини ўрнатилишини таъминлаш;
- саноат объектларидан чиқадиغان ташламаларни ушлаб қолиш улушини 32 фоизга етказиш;
- PM_{2,5} бўйича миллий меъёрлардан ошиш кузатилган кунлар сонини камайтириш;
- транспорт воситаларидан атмосфера ҳавосига чиқарилаётган ифлослантирувчи моддалар ҳажмини 10 фоизга қисқартириш.

Шунингдек, Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича махсус комиссия фаолияти 2027-йил 1-мартгача узайтирилади ҳамда унинг номи “Экологик вазиятни яхшилаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича республика махсус комиссияси”га ўзгартирилади.

Қолаверса, 2026-йил 1-июльгача Фарғона, Андижон ҳамда Наманган вилоятларида, 2026-йил 1-августгача Тошкент, Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида, 2026-йил 1-октябргача Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий ва Бухоро вилоятларида, 2026-йил 1-декабргача эса Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятида “Тоза ҳаво” умуммиллий лойиҳаси амалга оширилади.

Энергетика, саноат ва қишлоқ хўжалигида амалга ошириладиган экологик ислохотлар

Шу билан бирга, 2026-йил 1-апрелдан Тошкент шаҳрида янги саноат зоналарини ташкил қилишга муддатсиз мораторий жорий қилинади (хизмат кўрсатиш ёки молиявий хизматларга асосланган зоналар мустасно).

Бундан ташқари, иссиқлик ва электр энергиясини ишлаб чиқариш ҳамда саноат корхоналарида чанг-газ тозалаш ва энергия самарадор ускуналар ўрнатишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан:

- халқаро стандартлаштириш ташкилотининг экологик менежмент, ис-

сиқхона газларини бошқариш, экологик хавфсизлик ва яшил энергия халқаро сертификатларни олиб, маҳсулотининг 30 фоизини муқобил энергия ҳисобига ишлаб чиқарган корхоналар сертификат харажатларининг 50 фоизигача бўлган қисми қоплаб берилди;

– 2026-йил 1-майгача Тошкент шаҳри ҳамда унга туташ ҳудудларда жойлашган иссиқлик ва электр энергиясини ишлаб чиқариш корхоналарида устувор (турғун) манбалар бўйича мажбурий тартибда автоматик мониторинг станциялари ва автоматик кузатув постлари ўрнатилади ҳамда ушбу қурилмалардан олиндиған маълумотлар Экология қўмитасининг ягона геоахборот маълумотлар базасига интеграция қилинади;

– атроф-муҳитга таъсири бўйича I ва II тоифага кирувчи корхоналар томонидан ўрнатилган автоматик мониторинг станциялари атроф табиий муҳит давлат мониторинги тизимининг Экология қўмитасининг ягона геоахборот маълумотлар базасига интеграция қилинмаган тақдирда, уларга нисбатан атроф табиий муҳитни ифлослантирганлиги ва чиқиндиларни жойлаштирганлиги учун компенсация тўловлари ўн баравар оширилган ҳолда қўлланилади;

– 2026-йил 1-июльдан бошлаб иссиқхоналарни иссиқлик билан таъминлашда иссиқхоналардаги мувофиқлик сертификати мавжуд бўлмаган ҳамда ёниш жараёни назорат қилинмайдиган қозонлардан фойдаланиш амалиёти бекор қилинади.

Тижорат банклари орқали саноат корхоналарида яшил технологиялар, чанг-газ тозалаш ускуналари, автоматик мониторинг станциялари, энергия самарадор ускуналар ва локал сув тозалаш иншоотларини сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар ажратилади.

2026-йил 1-майдан 2026-йил 1-декабргача атроф-муҳитга таъсири бўйича I ва II тоифага кирувчи корхоналарда яшил технологиялар, чанг-газ тозалаш ускуналари, автоматик мониторинг станциялари, энергия самарадор ускуналар ва локал сув тозалаш иншоотлари ўрнатилади. Бунда Экология қўмитаси томонидан чанг-газ тозалаш ускуналари самарадорлиги махсус лаборатория синовлари асосида доимий равишда мониторинг қилиб борилади. Мониторинг натижаларига кўра ижобий хулоса олган чанг-газ тозалаш ускуналари реестри шакллантирилади ва қўмита расмий саҳифасида эълон қилинади.

Қурилиш соҳасида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва экологик талаблар кучайтирилади

Фармонга асосан, 2026-йил 1-июн-

дан бошлаб қурилиш объектларида (якка тартибдаги уй-жойлар бундан мустасно) куйидаги мажбурий экологик талаблар жорий қилинади:

- қурилиш объектларини фон мониторинг станциялари билан жиҳозлаш ва Экология қўмитасининг ягона геоахборот маълумотлар базасига интеграция қилиш;
- онлайн назорат қилиш учун қурилиш майдони бўйлаб ва чиқиш нуқталарида онлайн камералар ўрнатиш ва Экология қўмитасининг ягона геоахборот маълумотлар базасига интеграция қилиш;
- ҳуқуқбузарлик содир этган қурилиш ташкилотларининг “Шаффоф қурилиш” платформасидаги рейтинг балларини камайтириш;
- қурилиш объектлар бўйича лойиҳа-смета ва шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда мажбурий равишда экологик экспертиза хулосасини тақдим этиш.

Шунингдек, янги қуриладиган, баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлган бино ва иншоотларни (якка тартибдаги уй-жойлар бундан мустасно) лойиҳалаштиришда уларга туташ ҳудудларнинг кўкаламзорлаштириш (дарахтлар, буталар, бошқа ўсимликлар ва ниҳолларни экиш) майдонлари лойиҳа учун ажратиладиган ер участкалари умумий майдонининг 30 фоизидан кам бўлишига йўл қўйилмайди (эксплуатация муддатини ўтаб бўлган ва маънан эскирган бино ва иншоотларни реновация қилиш бундан мустасно).

Шу билан бирга, 2026-йил 1-декабргача бир ҳудудда камида 1 гектар майдонда дарахт барглари йиғиш, уларни биологик усулда чириш (компостлаш) орқали олинган органик моддалардан компост ва мулчалашда фойдаланиш тизими жорий этилади.

2027-йил 1-майга қадар хорижий компания ва илмий тадқиқот институтларини жалб қилган ҳолда Тошкент шаҳрининг 2035-йилгача мўлжалланган экологик ва сув ресурсларини бошқариш, улардан оқилона фойдаланиш бўйича мастер режаси ишлаб чиқилади.

Фармонда экологик ва қурилиш экспертиза хулосаларини олишда “шамол гули” коридорлари ҳаракатланишини инобатга олиш мажбурий этиб белгиланди. Шунингдек, ҳудудларнинг бош режалар лойиҳаларида “шамол гули” коридорлари ҳаракатланишини инобатга олган ҳолда “шамол йўлаклари” тасдиқланади. Қолаверса, жисмоний ва юридик шахслар томонидан дарё ва сойлар ўзанини тозалаш жараёнида ёки ноқонуний равишда кум-шағал қазиб олиш натижасида бузилган сув фонди ерларини тиклаш (реабилитация, рекултивация ва кўкаламзорлаштириш ишлари) қонунбузарлик содир этган шахсларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

ХАЛҚОНА ҚАДРИЯТЛАР – ТАРБИЯ ЎЗАГИ

Замон шиддат билан ўзгармоқда. Кеча янгилик бўлган нарса бугун эскиряпти, қарашлар ҳам соатлар сайин ўзгараётир. Айниқса, кундан-кунга турли гаджетларнинг яратилаётгани кўплаб қулайликларни яратмоқда. Бугун ҳали мактабга чиқмаган бола телефонни миридан-сиригача билади. Бу, қувонарли ҳол, албатта. Бироқ, имкониятларнинг кўпайиши танловнинг ҳам ортишига сабаб бўлади. Афсуски, бугун шу танлов орасида адашиб қолаётганлар ҳам кам эмас орамизда.

Аслида, ёшларни инсонийликка ўргатадиган энг содда ва энг самарали мактаб аллақачон бор. У – халқ оғзаки ижоди. Биргина “Ёлгоннинг оёғи калта” деган ибора бола онгига бутун бир ахлоқ дарсидан кўра кучлироқ таъсир қилади. Унга ёлгоннинг ёмонлиги ҳақида ярим соат ваъз ўқиш шарт эмас – шу битта жумла кифоя. Чунки мақол – бу буйруқ эмас, ҳаётий ҳукм. У исбот талаб қилмайди, тажриба билан тасдиқланган ҳақиқат бўлиб эшитилади.

Халқимиз азалдан тарбияда айнан шу йўлни танлаган. Бола панд эмас, ҳикмат эшитиб улғайган. Койиш ўрнига лўнда ибора ишлатилган. Насиҳат ўрнига топишмоқ берилган. Нағижада бола мажбуран эмас, англаб ўрганган.

Топишмоқларнинг кучи ҳам шунда. Улар тайёр жавоб бермайди, ўйлашга мажбур қилади. Ўйлаган бола эса мустақил хулоса чиқаради. Мустақил фикр эса ахлоқнинг пойдевори саналади. Кимки ўзи қарор қила олса, яхшини ҳам, ёмонни ҳам онгли фарқлай олади. Демак, топишмоқ шунчаки ўйин эмас, тафаккур тарбиясидир.

Мақоллар эса феъл-атворни шакллантиради. “Ҳалол меҳнат – ҳалол ризқ” деган ҳикматни эшитиб улғайган бола осон фойдага интилмайди. “Қаттага ҳурмат, кичикка иззат”ни билган ёш муомалада чегарани унутмайди. Бу иборалар қоғоздаги қоғозда эмас, ички назоратга айланади. Улар одамни кузатадиган камерадан ҳам кучлироқ нарса – виждонни уйғотади.

Бир мактаб тажрибасини эслаш ўринли. Бошланғич синф ўқитувчиси ҳар дарс бошида болаларга битта мақол айтиб, маъносини ҳаётий мисол билан тушунтиради. Орадан вақт ўтиб, болаларнинг муомаласи ўзгаргани сезилади: улар бир-бирига кўпол гапирмайди, навбат кутишни ўрганади, ёлгон гапирса уяла бошлайди. Бу – катта дастурлар эмас, оддий ҳикматнинг натижаси. Демак, тарбия мураккаб механизм эмас, тўғри сўздан бошланади.

Бугун эса биз шу оддий манбадан узоклашиб бормоқдамиз. Оила

даврасидаги суҳбатларни телефон эгаллади. Бувининг эртагини видео, мақолни мем алмаштиради. Бола ҳикмат эшитмаяпти. Қалб бўш қолган жойни эса бегона ғоялар тез тўлдиради. Шунинг учун ёшларни айблашдан олдин, уларга нима берганимизни ўйлашимиз керак. Ахир, илдизсиз дарахт яшамайди. Мақоллар – миллатнинг илдизи. Уларни йўқотсак, ўзлимизни ҳам йўқотамиз.

Шундай экан, тарбияда янги ғилдирак ихтиро қилиш шарт эмас. Энг тўғри модель аллақачон синовдан ўтган: ҳикмат орқали тарбия. Дарсда, оилада, оммавий ахборот воситаларида халқ оғзаки ижодига қайтиш кифоя. Мақолни ҳаётга қайтарсак, у яна ёшлар қалбига қайтади. Зеро, биз келажакни замонавий техника билан эмас, маънавият билан ҳимоя қиламиз. Телефон ақлли бўлиши мумкин, лекин инсон виждонли бўлмаса – жамият барибир ютқазади. Виждонли авлодни эса мураккаб назария эмас, оддий ҳикмат тарбиялайди.

Демак, ҳамма гап жуда содда ҳақиқатда: болага яна мақол айтиш керак. Яна топишмоқ сўраш керак. Яна ҳикматли суҳбатни бошлаш керак.

Чунки мақол – бу шунчаки сўз эмас. У авлодни адашишдан асрайдиган ички компасдир. Шу компас ишласа, ёшлар йўлдан чиқмайди. Компас йўқолса, энг ёруғ замон ҳам уларни тўғри манзилга олиб бора олмайди.

Эъзоза ЖУМАБОЕВА,
ЎзМУ талабаси

